



Пайгамбаримизга (алайхиссалом) нозил килинган Куръони Карим оятлари матни хижрий 10 (милодий 632) йилда тўла мукамал бўлди. Ўша пайтда нозил бўлган сура ва оятлар турли ашёларга кўчирилиб, тартибланмаган холда Расулуллохнинг (соллаллоху алайхи васаллам) хоналарида бир жойга жамланган эди.

Абу Бакр Сиддик (розияллоху анху) халифаликлари даврида, яъни хижрий 11-13 йиллари Куръон Карим оятларининг ўрама шаклдаги бир нусхасини кўчиришга қарор қилди. Бу шарафли вазифа йигирма ёшли саҳобий, вахий қотиби Зайд ибн Собитга юкланди. Зайд ибн Собит мадиналик ансорийлардан эди. Ўн бир ёшида иймонга келиб, хамиша Расулуллохнинг (соллаллоху алайхи васаллам) ёнларида юриб, дуоларидан баракот топди. Катор тилларни ўрганиб, илму хикмат сохиби бўлиб етишди. Мадина шаҳрида Куръон кироати коидалари, шариат ахкомлари ва мерос таксимооти масалаларида беназир зот эди. Зайд ибн Собит Абу Бакр Сиддик топшириги билан оятларни ўрам-ўрам териларга биринчи бўлиб кўчирган, кейинчалик Мусхафи Усмонни кўчириш ишларига ҳам бош-кош бўлган.

Иккинчи халифа Умар ибн Хаттоб (розияллоху анху) замонида келиб Исломи динимиз шарқда Хитойгача, гарбда Андалусия (Испания)гача етиб борди. Хижрий 13-24 йиллар оралигида Исломи давлати худуди ниҳоятда кенгайди. Араблардан ташқари, Ажам ўлкаларидаги халқлар ҳам Исломи билан шарафланишди. Бу эса Куръони Каримнинг

ягона курайш лахжасидаги «андоза расми-хат имлодаги» (эталон) нусхасини кўчириш заруратини юзага келтирди.

Бу тарихий иш учинчи халифа Усмон ибн Аффон (розияллоху анху) даврларига тўғри келди. Хижрий 25 йили асхоби киромдан катта бир гуруҳ назорати остида, дакик текширувлар натижасида Куръони каримнинг ягона андоза нусхаси кўчириб ёзилди. Тери саҳифаларнинг иккала юзасига ҳам матн ёзилиб, барча саҳифалар мукова орасига олинди. Куръони Каримнинг китоб шаклидаги бу нусхасига «Мусхафи Имом» деб ном берилди. Тери варақларга ёзилган Куръон нусхасининг энг биринчи намунаси Хазрати Усмонга нисбат берилиб, «Мусхафи Усмон» атала бошлади. Хаттотларга ана шу мусхафдан бир неча нусха кўчиртириб, Исломиёт борган турли ўлкаларга юборилган. Бугунги кунда Хазрати Усмон мусхафларидан нодир бир нусха Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида авайлаб сақланмоқда.

Лангар Куръони эса милодий саккизинчи асрда номаълум бир хаттот томонидан кўчирилган нусха бўлиб, у қайси саҳоба кўчириб ёзилганини айтишга илмий асослар йўқ. Бу нусхада тўлик бўлмаса-да, ҳамма харфларнинг нукта-белгилари қўйилган. Нусха Кашкадарё вилоятининг Лангар кишлогига сақланиб келингани учун «Лангар Куръони» номи билан машҳур бўлган. Унинг 16 варағи Ўзбекистонда, 82 варағи Санкт-Петербургда сақланмоқда. Доктор Ефим Резван Петербургда Лангар Куръони варақларининг мажмуасини рангли китоб ҳолида нашр эттирган. Бу нашрнинг Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида ҳам бир нусхаси мавжуд.

Мазкур мусхафларнинг Марказий Осиёга келтирилгани ҳақидаги тўлик маълумотлар марҳум устоз Шайх Исмоил Махдумнинг «Тошкентдаги Усмон мусхафи тарихи» асарида келтирилган. Мазкур китобда соҳибкирон Амир Темур ва аллома Абу Бакр Қдфол Шоший Мусхафнинг юртимизга келишига алоқадор экани кўрсатилади. Лекин Мусхафни айнан қим олиб келгани ҳамон жумбоқлигича қолмоқда. Бизнингча, Мусхафни хижрий 54 йили Самарқандга муҳожир бўлиб келган Усмон ибн Аффоннинг ўғли Холид ибн Усмон олиб келган, деган фикр илмий асосга эга. Самарқанддаги Хожа Абду Дарун макбараси айнан Холид ибн Усмонга мансуб меъморий ёдгорликдир.

Фотима Хабибуллох кизи ХАКБЕРДИЕВА

### Манбалар:

1. Шайх Исмоил Махдум. «Тошкентдаги Усмон Мусхафи тарихи», Т., «Мовароуннаҳр», 1995, 37—41-б.
2. Холид Муҳаммад Холид. «Рижалун хавлар Расул», Байрут, «Дорул фикр», 387—393-бетлар.